O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3004093

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 7-aprel • Seshanba • 41 (29.002) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бугун дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар сиёсий партиялардан огоҳлик, фаоллик ва қатъиятликни талаб этмоқда».

❖ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

# БУГУНГИ КУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

**партия аъзолари, етакчилари, фаолларидан зийраклик, қатъийлик ва фидойиликни талаб этмоқда**

Жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз вазиятидан чиқиш йўлларини излаб топиш кўплаб мамлакатлар учун энг долзарб муаммога айланди. Табиийки, глобал аҳамиятга эга бу жараён бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмайди. Жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Айни пайтда фуқароларимизни бундай хавф-хатардан огоҳ этиш, уларнинг умумманфаат йўлидаги фаоллигини кучайтириш партия ташкилотларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Зангиота туман партия кенгашида ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги семинар «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби» деб номланди. Унда Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти таҳлил этилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, туман партия кенгаши, худуддаги маҳаллалар фаоллари, бошланғич ташкилотлар етакчилари мавзу юзасидан батафсил фикр алмашдилар.

2-бет

## СИНГАПУР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Сингапур Республикаси парламенти Спикери Абдулла Тармуғий раҳбарлигидаги делегация 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни барча жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2007 йилнинг январь ойида Сингапурга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради, — деди Абдулла Тармуғий. — Ташриф асносида юртингизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистонда қонун ижодкорлари учун яратилган қулай шароит ва имкониятларга ҳавас қилса арзийди. Икки томон учун ҳам фойдали ҳамкорликни барча йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Сингапур Республикаси парламенти Спикери Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров билан ҳам мулоқат чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Томонлар бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

**(ЎзА)**

## ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш масаласи Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу жараёнда умумэътироф этилган демократик тамойиллар ва миллий қадриятларимиз мустаҳкам қарор топиши, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга кенг таништиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шу жиҳатдан миллий журналистикамизни ривожлантириш, унинг мустақил ва холис фаолият юритиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, соҳа ходимларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод ҒУЛОМОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига бу хусусда қуйидагиларни сўзлаб берди:

2-бет

✓ Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ ВА ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

3 апрель куни Самарқанд шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти экспертлари, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон таълим вазирликлари мутасаддилари иштирокида минтақавий анжуман бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда миллий озчиликни ташкил этувчи қатлам вакилларининг таълим олишида яратиб берилаётган имкониятлар, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқ ва манфаатларидан фойдаланиши борасидаги масалалар муҳокама этилди. Халқаро конференция ташкилотчиларининг эътироф этишича, Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистонда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат Президенти томонидан бевосита халқ таълими тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларга зарур шарт-шароитлар яратилиши юзасидан қатор тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда 130 га яқин миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ижтимоий ҳаётда уларнинг тенг ҳуқуқлилиги давлатимиз Бош қомуси билан кафолатланган бўлиб, бу ҳаётда тўла ўз ифодасини топган.

2-бет

## ЯНГИ БОЗОР ВА 500 ТА ИШ ЎРНИ

Наманган туманидаги Ғирвон қишлоғи аҳолиси энг қулай шароитларга, замонавий услубда қурилган ўз бозорларига эга бўлди. Шу пайтгача улар бозор-ўчар учун Наманган тумани ва вилоят марказига қатнашарди. 1 миллиард 243 миллион сўм маблағ ҳисобига 2 гектар майдонни эгаллаган «Ғирвон буюм бозори» қуриб битказилди. Бозор 150 та турғун савдо шохобчаси, шунингдек, чеварлик, попопчилик, заргарлик, ромсозлик, бешикчилик устахоналари, меҳмонхона ва махсус юк сақлаш омборхоналарига эга. Унинг ишга тушиши билан 500 нафардан зиёд киши янги иш ўринларига эга бўлди. Яна бир жиҳати, харидорларга қулайлик яратиш мақсадида Косонсой, Чуст, Поп, Наманган туманлари йўналишидаги транспорт воситалари қатнови ҳам Ғирвон орқали ўтиши режалаштирилмоқда.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

## ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ТАЖРИБА

Термиз ва Денов туманларида «Қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш масалалари: ҳуқуқий асослар ва тажриба» мавзуида семинар ўтказилди. Тадбир Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қабул қилинган тадбирлар дастурини амалиётга татбиқ этиш ва мазкур йилда қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш масалаларига бағишланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур йиғинларда Сурхондарё вилоятининг тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, адлия, адвокатура, прокуратура идоралари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Семинарлар фойдали бўлди, — дейди вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳусниддин Бегматов. — Ўзаро фикрлашувлардан келиб чиққан ҳолда фуқароларимизга кўрсатилаётган ҳуқуқий ёрдам самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини белгилаб олдик.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

❖ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

## ● ФАОЛЛИКДА ГАП КЎП

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг энг фаол ишчи-ходимлари, ёш мутахассисларидан эллик нафари Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти сафига бирлашган.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялашган

## ● УЛУҒ ЗОТ САБОҚЛАРИ

### боқий маънавий бойлик

Абадий шаҳарнинг бобокалонимиз ҳайкали ўрнатилган дарахтзор ва гулзорларга чўмган обод хиёбони бугун табаррук зиёратгоҳга айланган.

3-бет

## ● ГУЛИСТОН — «КИЧИК ОЛИМПИАДА»НИ КУТМОҚДА

4-бет

❖ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

# ФАОЛЛИКДА ГАП КЎП

**Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг энг фаол ишчи-ходимлари, ёш мутахассисларидан эллик нафари партиямиз бошланғич ташкилоти сафига бирлашган. Нафақат корхонада, балки вилоятдаги партия қуйи тузилмалари орасида ҳам ўз ўрни, нуфузига эга ушбу БПТда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.**

— Ўтган беш йилда партиямизга эътиқодли, унинг дастурий мақсад-моҳиятини чуқур англаган ходимлар ҳисобига сафимиз анча кенгайди, — деди БПТ раиси ўринбосари Нурия Қулжонова. — Улар билан ишлаш, мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнлардан, партия тизимидаги янгиликлардан мунтазам хабардор қилиб боришда аъзолар ўтказиб келаётган сиёсий ўқувларнинг алоҳида ўрни бор.

Мазкур жамоанинг мақсади мамлакат нефть мустақиллигини таъминлашга ҳисса қўшишдир. Партия фаоллари эса ишлаб чиқаришдаги бутун жараён юксак самара беришини таъминлашга масъул эканликларини ҳис этадилар. Электорат вакиллари ҳисобланган ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси партия ташкилотининг алоҳида эътиборида. Биргина ўтган йилда 75 та коттеж қурилиб, ишчи оилаларига берилиши, спорт-соғломлаштириш маркази, маданият саройи, ёзги дам олиш маскани каби қатор маданий объектлар ишга туширилишида ҳам ХДП аъзоларининг ўзига хос ўрни бор, албатта.

— Корхонамиздаги барча ижобий ўзгаришларда завод директори, партиямиздан халқ депутатлари Қоровулбозор туман ҳамда Бухоро вилоят Кенгашлари депутати Шамсиддин Сайдаҳмедовнинг хизматлари катта, — деди ХДП фаоли Акрам Орипов. — У киши ҳам раҳбар, ҳам депутат сифатида БПТ фаолиятига алоҳида масъулият билан ёндашади.

Корхона ишчиларини чорвачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжаликнинг йўлга қўйилиши ҳам партия фаолларининг ташаббуси билан амалга оширилди. Олим Рустамов, Рустам Хўжаев, Қиммат Олтинбоева сингари ўнлаб ХДП аъзолари партиядошлар дуч келаётган муаммолар ечимини топишда турли амалий ишлар олиб бормоқда.

Йиғилишда БПТ фаолиятини бундан ҳам юксалтириш учун имкониятлар кенглиги, аввало йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

— Ютуқларимиз қаторида камчиликларимиз ҳам йўқ эмас, дейишди сўзга чиққанлар. — Аъзолар ўртасида партия ҳаётидаги янгилик ва ўзгаришлар, депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳақида ахборот беришда бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланолмаяпмиз. Корхонада 700 нафардан зиёд 30 ёшгача бўлган йигит-қиз меҳнат қилаётган бўлса-да, улар билан ишлаш яхши ташкил этилмаган...

Ҳисобот-сайлов йиғилишида БПТ олдида турган энг асосий вазифалар, йўналишлар белгилаб олинди. Партиядошлар фаоллиги, ташаббускорлиги, етакчилик фазилатини ҳисобга олиб, завод директорининг ўринбосари Нодир Тешаевга яна ишонч билдиришди ва уни БПТ раиси этиб сайлашди. Шунингдек, туман партия ташкилоти конференциясига делегатлар сайланди.

Йиғилишда ХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов қуйи бўғин фаолиятини оширишда партиядошларимиз олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧ

— Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари тараққиётида тамомила янги ривожланиш босқичи бошланди, — дейди Ш.Ғуломов. — Оммавий ахборот воситаларимизда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг барча соҳаларда эришаётган муваффақиятлари ўз ифодасини топмоқда. Оммавий ахборот воситалари миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга фаол хизмат қилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятига умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик аннормалар-хил фикр ва қарашлар минбаридир.

Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор самарасида нодавлат радио ва телестанциялар, босма нашрлар ва агентликлар тармоғи жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази каби ташкилотларнинг самарали фаолият кўрсатаётгани ахборот соҳасида нодавлат институтлар ва тузилмаларни дозаларни жорий этиш масалаларига мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг ғоят муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Бу борада мустаҳкам қонуний асос яратилгани ахборот соҳасини жадал, изчил ва эркин ривожлантириш учун шарт-шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида матбуот ва сўз эркинлигини таъминловчи қоидалар мустаҳкамланганги оммавий ахборот воситалари чинакам эркин фаолият юритишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, жамиятнинг янгиланиши жараёнида муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бир қатор қонунлар қабул қилинди. Цензурага, ахборотнинг монополлаштирилишига йўл қўйилмаслиги, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш қонунан белгиланган, оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш қоидалари соддалаштирилган. Эътиборли жиҳати, журналист текшируви ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган. Айни чоғда соҳа фаолиятига доир мавжуд ҳуқуқий асослар халқаро андозалар ва давр талаби асосида изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда оммавий ахборот воситалари сон, сифат ва таркиб жиҳатдан юксалмоқда. Бугун мамлакатимизда мингдан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Улар хилма-хил ва ўзаро ҳамкорликдаги ривожлантириш учун зарур барча шароитлар яратилганидан яна бир далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда қайси соҳада бўлмасин, амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга бош мақсад сифатида қаралади. Шу жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантиришга, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги фармонига биноан мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳар йили 27 июнь куни ўзларининг касб байрамини кенг нишонлаб келмоқдалар.

Миллий матбуотимиз ривожи йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган кўплаб ҳамкасбларимиз ҳар йили Президентимизнинг фармонларига биноан Ватанимизнинг юксак унвон ва мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

Соҳа ходимларини рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бу жиҳатлар журналистикамиз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант-лойиҳалар, ижтимоий дастурларда ҳам ўз ифодасини топаётир.

Бу борада журналистлар ўртасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти, «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ, энг азиз», «Жамият ва мен», «Матбуотимиз маликаси», «Атиргул» сингари танловларни ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир.

Голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими анъанавий тарзда 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти журналистларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир яққол ифодасидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган ушбу мукофот миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадларига хизмат қилаётир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мукофотнинг кўлами тобора кенгайиб, нуфузи йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Хусусан, танлов илк бор ўтказилган 2006 йилда унда 136 нафар журналист 1669 ижодий иши билан иштирок этган бўлса, 2008 йилда 557 журналист 7 мингдан зиёд материали билан қатнашди. Иштирокчиларнинг ярмидан кўпини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб бораётган журналистлар ташкил этаётгани унга бўлган қизиқиш жойларда ҳам юқорилигидан далолатдир.

Дастлабки йили ижодий беллашув матбуот, телевидение, радио йўналишлари бўйича ўтказилган бўлса, ўтган даврда улар қаторига Интернет журналистикаси ҳам қўшилди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича аввал битта мукофот жорий этилган бўлса, 2007 йилда ҳар бир йўналишда биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги учта, жами 12 асосий мукофот ташкил этилди. Яна бир эътиборли жиҳати, 2007 йилда Бош миллий мукофот ҳам таъсис этилди. Жорий йилда — «Олтин қалам» тўртинчи Миллий мукофоти учун танлов 27 та (1 та бош, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи) номинация бўйича ўтказилади.

2008 йилда ўтказилган учинчи Миллий мукофот учун танловнинг мукофот фонди 62,5 миллион сўмдан зиёдни ташкил этган бўлса, жорий йилда 100 миллион сўмдан ошади.

Ўтган йиллар давомида 70 нафар журналист танловнинг ғолиб ва совриндори бўлди. Танловда нафақат маҳаллий журналистлар, балки хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам тобора кўпроқ қатнашиш истагини билдирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу Миллий мукофотнинг битта номинацияси хорижий журналистлар учун мўлжалланган. Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги бу номинация «Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун» деб номланади. Ўтган йиллар давомида 3 нафар хорижлик журналист совриндор бўлди.

Айни пайтда Миллий мукофот ташкилий қўмитаси таркибида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ҳам бор. «Олтин қалам» Миллий мукофоти ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш маросимида БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки ҳам ўзлари таъсис этган қатор рағбатлантирувчи мукофотлари билан фаол иштирок этмоқда.

Бу йилги танлов янада қизғин бўлиши унга ўз ижодий ишларини тақдим этаётган журналистларнинг қўплигидан ҳам сезилмоқда.

Ўз ўрнида журналистларимиз бундай эътиборга жавобан янада фаол, изланувчан ва ташаббускор бўлишларини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдига қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдир. Барчамиз дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзимизнинг ҳаққоний ва холисона муносабатимизни, эътироф ва эътирозларимизни билдиришга қодир бўлишимиз, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшашимиз лозим.

Кескин суръатлар билан давом этаётган ҳозирги глобаллашув жараёнларида четдан кўлами ва миқёсини ўлчаб бўлмайдиган шиддатли ахборот оқими кириб келаётгани, улар орасида бизга ёт ва зарарли ғоялар ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай мураккаб вазиятда оммавий ахборот воситалари ходимлари биринчи навбатда ёшларимизни маънавий жиҳатдан қуроллантиришга ёрдам бериши зарур.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятида сифат ўзгаришларига янада кўпроқ эътибор қаратиш, ҳар бир журналистнинг касб маҳорати даражасини юксалтириш, шунингдек, матбуот, телевидение, радионинг халқимиз орасидаги обрў-эътибори ва рейтингини ошириш, жаҳон ахборот майдонида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришига эришиш муҳим ва асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Ўйлаймизки, журналистларимиз Ватан ва халқимиз олдидаги бу юксак масъулиятни қалбан чуқур ҳис этган ҳолда ўз бурчларини фаол адо этаверадилар.

**ЎзА мухбири**
**Олим ЭРГАШЕВ**
**ёзиб олди.**

# БУГУНГИ КУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

## партия аъзолари, етакчилари, фаолларидан зийраклик, қатъийлик ва фидойиликни талаб этмоқда

— Юртбошимиз ўз маърузасида жаҳон иқтисодиётида инқироз авж олаётган бир пайтда республикамизда 2008 йилда барқарор иқтисодий ўсишга эришилганини аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтди, — деди Тошкент вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Муҳайё Тўлаганова. — Шу билан бирга, инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиёти учун кутилаётган салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди, кўрсатмалар берилди. Бугунги кунда, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, хотин-қизлар, ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида турли амалий ишлар қилинмоқда. Касаначилик, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланаётган кишиларга меҳнат дафтарчалари очилмоқда. Белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш бизни инқирознинг салбий оқибатларидан сақлаши шубҳасиз. Аммо, Президентимиз қўяётган талаблар ҳамма жойда ҳам бирдек бажарилаяпти, дея айтолмаймиз. Шунинг учун биз — фаоллардан бу борада жамоатчилик назорати, мониторинг ишларини кучайтириш талаб этилмоқда.

Семинарнинг иккинчи қисмида диний экстремизм, одам савдосига қарши курашишда партия ташкилотларининг ўрни ва вазифалари юзасидан фикр билдирилди.

Туман ички ишлар бўлими ходими, капитан Шаҳноза Ҳидоятова диний оқимлар ва уларнинг келиб чиқиши, оқибатлари, улар ортида турган ғаразли кучлар ҳақида батафсил тўхталди.

— Муқаддас ислом динимиз тинчлик ва маърифат, поклик ва яхшилик, саховат ва меҳр-оқибат ғоялари билан йўғрилган, — деди у. — Аммо бу ҳақиқатни тушунишни истамаган, маърифатсиз, жоҳил кимсалар динимизни ниқоб қилиб, турли жиноят, манфур ишларни содир этмоқда. Туманимизда ҳам ана шундай оқимлар гирдобига тушиб қолган шахслар рўйхатга олинган. Уларни бу йўлдан қайтариш, вояга етмаганларни ёт ғоялар таъсиридан асраш борасида амалий тадбирлар ўтказаяпмиз. Маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда турли учрашувлар, давра суҳбатлари, ота-оналар йиғилишини ташкил этиб, тушунтириш ишлари олиб боришни йўлга қўйганмиз. Аммо булар камдек, назаримда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партияларнинг бу соҳадаги ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилмоқда. Толибонлар, акромийлар, ваҳҳобийлик, ҳизбут таҳрир каби жаҳолатга йўналтирилган турли оқимлар, терроризмга қарши курашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз.

— Одатда, жамоатчиликни чалғитиб, йўл уришга уринаётган, тинч ва фаровон ҳаётимизни кўролмаётган кимсалар ўз муддаоси йўлида кўпчилик эътиборидаги масалалар, таълимотларни восита қилиб олади, — деди сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков. — Ҳавойи нафс йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган бу олчоқлар турли миллат ва элатлар орасига низо солиб, мудҳиш қабоҳатлар содир этиб, қонли тўқнашувлар, қирғинларга сабабчи бўлган. Ана шундай оқимлардан бири ваҳҳобийлик дунёвий қадриятларга, яшариш ва янгиликларга кескин қарши туради, ҳаётдаги ҳар қандай янгиликни инкор этади. Улар назарида, тасаввуф, тасвирий санъат, мусиқа, қаҳва ичиш бидъатдир. Биз бу оқимлар келтираётган мудҳиш воқеалар, улар таъсирига тушиб қолганларнинг ачинарли тақдирию ўкинчларидан хабардормиз. Шунинг учун ҳамиша сергак бўлишимиз, уларга қарши курашиш учун маърифат ва маънавиятли авлодни тарбиялашимиз зарур. Чунки бундай оқимлар айнан фикри заиф, дунёқараши тор кишиларни ўз домига тортади.

Шунингдек, сўзга чиққанлар одам савдоси ва унинг оқибатлари, мўмай пул топиш илинжида четга чиқиб қулликка сотилган одамларнинг ачинарли тақдири ҳақида фикр юритдилар. Бу борада ҳам ҳар биримиз ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, яқинларимиз, маҳалладошларимиз тақдирига бефарқ қарамаслигимиз зарурлигини таъкидладилар.

Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов, Зангиота туман кенгаши раиси Хайрулла Малиловлар юқоридаги муаммоларни ҳал этишда партия ташкилотларининг ўрни, бу борада амалга оширилаётган тадбирларнинг режали ва мунтазам масалалари ҳақида таклиф, фикр-мулоҳазалар билдиришди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Абдивоси ҲАЙДАРОВ**
**олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ ВА ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

— Мазкур анжуманни ўтказиш учун Ўзбекистоннинг яна бир бор танланиши бежиз эмас, — дейди **Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кам сонли миллатлар бўйича олий комиссари жаноб Кнут Воллебек.** — Чунки, Марказий Осиё мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистондагина таълим бир йўла 7 та тилда олиб борилади ва бунинг учун барча шароитлар яратилган. Бугунги форум иши давомида миллий озчиликни ташкил этувчиларни ўқитиш масаласи бўйича Ўзбекистон тажрибасини Марказий Осиё давлатлари таълим тизимида оммалаштиришни режалаштирганмиз. Мен Самарқанд шаҳридаги мазкур тадбирда иштирок этаётганимдан хурсандман. Назаримда қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд фан ва тараққиёт ривожланган шаҳар тимсолида дунё кўз ўнгида намоён бўлади. Айнан шу ерда адабиёт, математика, фалакиёт соҳаси ва бошқа кўплаб йўналишларда буюк алломалар илм-фанда мисли кўрилмаган ютуқларга эришган, бетакрор санъат дурдоналарини яратишган.

Ҳозирги кунда Самарқандда турли миллат ва элат вакиллари бир оиладек, аҳил-иноқ истиқомат қилади. Бу ерда 100 дан зиёд миллат вакилларининг таълим олишлари, илм-фан билан шуғулланишлари учун тенг имкониятлар яратилган. Янги ғояларни ҳаётга жорий этишдаги имкониятлар Самарқандни яна Бутунжаҳон илм-фан марказига айлантирмоқда.

— Мустақил Ўзбекистон ўз тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлар экан, бунда ўзининг асрлар оша минг йиллик урф-одат ва қадриятлар, ўлмас анъаналар, бағрикенглик, халқимизнинг ўзига хос ва мос бўлган хусусиятларига таянди, — деди **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ғайрат Шоумаров** ўз маърузасида. — Айниқса, эртанги кун эгалари бўлмиш ёш авлод камолоти, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишларига, замон талаблари даражасида билим олишларига катта эътибор қаратилди.

Жумладан, 2004-2009 йиллар давомида мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 6543 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мазкур ишларга 962,7 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланди. Республиканинг 1048 та мактабида таълим қардош тилларда олиб борилди.

Ҳозиргача дастур доирасида улардан 527 тасида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш юмушлари олиб борилгани ҳам мамлакатимизда озчиликни ташкил этувчи қардош миллат ва элатлар таълим-тарбияси учун ҳукумат даражасида алоҳида эътиборнинг яққол намунасидир.

Республика Халқ таълими вазирининг таъкидлашича, мамлакатимиздаги таълим қардош тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқувчилар контингентининг камлиги боис, уларга мўлжалланган ўқув дарсликлари ва адабиётларнинг таннархи ўзбек тилидаги дарсликларга нисбатан 5-6 баробар қиммат. Лекин, мамлакатимизда амалда бўлган одилона таълим сиёсати сабаб дарсликлар таннархи ва унинг баҳоси ўртасидаги фарқ давлат томонидан қопланади, ўқувчиларга мактаб кутубхонасидан ижара тизими орқали тақдим этилади. 2008 йилда давлат томонидан қопланган маблағ 1 миллиард сўмдан ортиқни ташкил қилган.

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

— Ўзбекистон Халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганига гувоҳ бўлаяпмиз, — деди **Қозоғистон Халқ таълими вазири ўринбосари Куляш Шамшидинова.** — Айниқса, миллий озчиликни ташкил этувчи қатлам вакилларининг таълим олишлари учун яратиб берилган шарт-шароитлар, уларни зарурий ўқув, услубий қўлланмалар билан таъминлашдаги давлатнинг амалий кўмаги ижобий ҳолдир. Бу борада Ўзбекистон тажрибасини оммалаштириш фойдадан холи бўлмайди.

Тожикистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги вакили Маҳмудхон Шоевнинг таъкидлашича, Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар барча учун ибратлидир. Икки давлат таълим ходимлари ҳамкорлигида ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратилаяпти.

— Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш борасида Ўзбекистонда катта тажриба бор, — деди **Қирғизистон Халқ таълими вазири ўринбосари Раиса Тойболтаева.** — Жумладан, масофадан ўқитиш тизими тажрибасини биз ҳам амалиётга жорий этишни режалаштираяпмиз.

Ўзаро фикр алмашув, мулоқот, мунозара тарзида ўтган анжуман доирасида қатнашчилар Самарқанд шаҳридаги 21-умумий ўрта таълим мактаби, Санъат коллежини бориб кўришди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий-меъморий обидаларини кўздан кечиришди.

Тадбирда Самарқанд вилоят ҳокими Ў.Барноев иштирок этди.

**Абдували ХУДОЙРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

## Тадбир

**Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ОАВда сифатли ёритиш йўллари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**

# ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Унда вазирликнинг масъул ходимлари, вазирлик тизимига кирувчи Суд департаментининг республика бўлими ва ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Суд департаменти идоралари томонидан 2008 йил довомида ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берилди. Жумладан, 2008 йил суд ижрочилари иш юритувида ундириш тўғрисидаги 1 млн. 709 мингта ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида 2 трлн. 750 млрд. сўмлик ижро ҳужжатлари ижроси таъминланди.

Суд департаменти ходимлари ўзларига юклатилган вазифани бажариш борасида салмоқли ишларни бажаришмоқда. Аммо бу борада айрим муаммолар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, Суд департаментининг баъзи бир ҳудудий бошқармаларида ОАВ вакиллари билан ҳамкорлик қилиш бўйича аниқ тизим ишлаб чиқилмаганлиги туфайли чоп этилаётган материаллар сифати ва мазмунида камчиликлар оз эмас.

Ушбу ҳолатларни бартараф этиш, Суд департаменти фаолияти ва суд қарорлари ижроси юзасидан таҳлилий изланишлар олиб бориш юзасидан мутахасссисларнинг тавсия ҳамда кўрсатмалари берилди.

**Равшан ШОДИЕВ**

✓ Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига

# УЛУҒ ЗОТ САБОҚЛАРИ боқий маънавий бойлик

**Тарихчилар Римни «мангу шаҳар» деб таърифлайдилар. Шонли кечмишли, жаҳон тамуддунига бемисл ҳисса қўшган қадимий Шаҳрисабз ҳам абадий шаҳардир. Абадиятга дохиллигининг яна боиси унинг бешигида улуғ зотлар улғайгани.**

Абадий шаҳарнинг бобоколонимиз ҳайкали ўрнатилган дарахтзор ва гулзорларга чўмган обод хиёбони бугун табаррук зиёратгоҳ. Келин-куёвлар шу жойга келишади. Илм йўлини тутган, хорижий элларга тажриба ўрганишга отланаётган ёшлар улуғ бобокалонимиз ҳайкалини зиёрат қилар эканлар, қалблари фахрга тўлади. Дунёнинг кўп ишларини кўрган бобо ва момоларимиз шу жойга келиб, эл-юрт тинчлиги ва омонлигини тилаб, дуога қўл очадилар. Буюк зот таваллуд топган кунни нишонлаш ҳам айнан Шаҳрисабздан бошланади.

Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг раҳбарлари, фаоллар Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, Оқсарой кўрки-салобатига яна бир бор маҳлиё бўлишди. Буюк жаҳонгир ана шу муаззам иморати пештоқига «Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг», — деб бежиз ёздирмаган. Оқсарой асрлар силсиласига бардош бериб, улуғ зотнинг ҳақлигини етказиб келди. Аммо ҳар бир тарихий шахснинг дунё таммадунидаги ўрни, қилган ишлари ҳамиша ҳам ўзининг ҳаққоний баҳосини олавермайди. Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги ҳақиқат ҳам узоқ вақт айтилмай келинди. Бунга йўл қўйилмади. Фақат истиқлол унинг улуғ номини халқимизга қайтариб берди.

Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ва Шаҳрисабз туман кенгашлари ҳамкорликда Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишлаб ташкил этган тадбирнинг моҳияти ҳам шунда эди. Қарийб 500 киши қатнашган тадбирда Қарши давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Обод Жўрақулов гапираётганда ёшлардан шундай савол тушди:

— Темур бобомиз ҳақидаги айрим китобларда 16 ёшида лашкарбоши бўлган дейишади, шу ростми?

— Темур бобомиз ёшликда мадрасада ҳам ўқиган. Ўша даврда отаси уни мадрасадан чиқариб олиб, хўжалик ишларини бошқариш, беклик мартабасига қўйганда ўн етти ёшларда бўлган, — тушунтирди Обод Жўрақулов. — Аммо чинакам саркардалик маҳорати кейинчалик, жангу жадалларда, эл-улусни босқинчилардан озод қилиш, бирлаштириш йилларида шаклланган. 1362 йилдаги жанглардан бирида Темур бобомиз оёғидан яраланган. Лекин жанг майдонини ташлаб кетмаган. Ватан озодлиги учун бутун умрини бахшида қилган зотнинг ворислари бўлган сизу биз тарихни чуқур ўрганишимиз лозим.

— Домланинг фикрларига тўла қўшиламан, — дейди Шаҳрисабз агросаноат коллежининг ўқитувчиси Мажид Неъматов. — Биз Амир Темурдек улуғ зотнинг ворисимиз. У кишининг ҳаётини, юртимиз, халқимиз учун қилган беқиёс хизматларини ёшларга ўргатишимиз зарур.

Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Рашид Муртозаев айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 28 нафари, вилоят кенгаши депутатларининг 29 нафари, шаҳар ва туман депутатларининг 70 фоиздан зиёди ХДПдан сайланганлигини таъкидлаб, партиямизнинг ғояси, мақсади, амалга ошираётган ишлари тўғрисида тўхталди.

Шаҳрисабзлик ёшлар Амир Темур ўгитларидан намуналар ўқилганда ҳамма тўлқинланиб кетди. Бу тадбир ўзига хос Соҳибқирон сабоқлари бўлди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КОСОН ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ**

*ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:*

***Косон тумани Хўжақудуқ қишлоғи хўжаликлараро ички йўлни (4,5 км.) ўрта таъмирлаш.***
Бошланғич нархи ҚҚСсиз — 124.402.169 сўм.
*Қурилиш муддати — 183 кун.*
**Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.**
**Буюртмачи манзили:** *Косон тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-375) 312-17-92.*
**Савдо ташкилотчиси:** *Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг маркази.*

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯККАБОҒ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ**

*ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:*

***Яккабоғ тумани Эсат — Кўчактепа — Лолазор автомобиль йўлини (0-3,5 км.) ўрта таъмирлаш.***
Бошланғич нархи ҚҚСсиз — 70.279.321 сўм.
*Қурилиш муддати — 90 кун.*
**Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**
**Буюртмачи манзили:** *Яккабоғ тумани, Амир Темур кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-375) 381-34-02.*
**Савдо ташкилотчиси:** *Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг маркази.*

**Юқоридаги икки иншоот танлов савдоларида талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳоланда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳоланда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

*Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:*
Қарши шаҳри,
Хонобод шоссеси кўчаси, 46-А уй, 4-қават.
**Телефон: (8-375) 224-18-33, факс: (8-375) 224-05-24.**
*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70000 сўм.*

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин буюртмачи биносида ўтказилади.

7 апрель — Жаҳон саломатлик куни

# ИНСОНИЯТ СОҒЛИҒИ — БОШ ВАЗИФА

**Бундан олтмиш бир йил олдин, яъни 1948 йилнинг 7 апрелида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ташкил топди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ЖССТ дунёнинг барча мамлакатларида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик қилишни ўз фаолиятида устувор вазифа қилиб белгилаган.**



Ҳамкорлик туфайли жаҳонда доривор воситалар ва биологик препаратлар учун ягона сифат стандартлари, илмий тадқиқотларнинг халқаро даражада таққосланадиган статистика маълумотлари, шунингдек, касалликлар, жароҳатлар ҳамда ўлим сабабларини таснифлашнинг умумий тизими ишлаб чиқилди.

Дунёда илм-фан, тиббиёт, саноат соҳаси шиддат билан ривожланаяпти, ўзгаришда давом этаяпти. Сайёрамизда глобал исиш жараёни юз бераяпти. Оқибатда, бугун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти олдида турган вазифалар ҳам ўзгариб бораяпти. Бугун дунё аҳолиси соғлиғини иқлим ўзгаришидан ҳимоялаш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди.

Ташкилот соғлиқни сақлаш соҳасидаги иқлим билан боғлиқ мураккаб муаммоларни ҳал этиш борасида мамлакатлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Жумладан, эпидемиологик назоратни кучайтириш, юқумли касалликларга қарши кураш, айниқса, тобора камайиб бораётган сув захираларидан самарали фойдаланишни таъминлашда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, ўтган 2008 йил ташкилот дунё мамлакатларига қарата: «Соғлиқни иқлим ўзгаришидан ҳимоя қиламиз!» шиори остида мурожаатнома қабул қилди.

ЖССТнинг маълумотларига қараганда, ер юзида ҳаво ҳароратининг ошиб кетиши назорат остига олинмаса, инсоният келажакда озиқ-овқат танқислиги билан боғлиқ, сув орқали юқадиган касалликлар кўрсаткичининг ўсиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида келиб чиқадиган хасталиклар тарқалишидан азият чекади.

Ташкилот экспертлари иқлим ўзгаришининг салбий таъсиридан жаҳоннинг ночор турмуш кечираётган аҳоли қатлами кўпроқ азият чекишини таъкидламоқда.

Тўғри, ҳозирги пайтда яшил сайёрамизда рўй бераётган иқлим ўзгаришининг саломатликка оид салбий оқибатларини 15-20 йилда бартараф этиш кийин. Шундай бўлса-да, юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш ёки назорат қилиш мумкин. Оддий мисол, саноати ривожланган мамлакатларда аҳоли ҳавонинг ифлосланишини камайтириш учун шахсий автомобиллар ўрнига велосипед ёки жамоат транспортидан кенг фойдаланади.

Маълумки, бундан 15 йил илгари дунё мамлакатлари томонидан «Беғубор оналик учун» ташаббуси бошланганди. Афсуски, сайёрамизда ҳар йили 530 минг нафарга яқин аёл ҳомиладорлик ва туғуруқ жараёнида ҳаётдан кўз юмади. Ёки ер юзида ҳар йили 8 миллион нафар аёл ҳомиладорлик ва туғуруқ пайтида ҳаётини хавф остига қўядиган хасталикларга чалинади.

Кези келганда, Ўзбекистондаги вазиятга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Республикамизда 1993 йили фертил (туғиш) ёшидаги аёлларни соғломлаштириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларга оид Дастур қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1999 йилда Республика репродуктив саломатлик маркази ташкил этилди. 2000 йилда эса Президентимиз ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган акушер-генекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда унинг Наманган, Қарши, Жиззах ва Нукус филиаллари очилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган 2008 йили республикамиз бўйича фертил ёшидаги аёлларнинг 99,3 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу ўринда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалашда Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги **«Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»**ги қарорини ва уни амалга ошириш борасида олиб борилаётган муайян тадбирларни таъкидлаш жоиз. Масалан, ўтган йили Республика скрининг марказлари ва унинг жойлардаги бўлимларида чақалоқлардаги туғма ва ҳомиладор аёллардаги ирсий касалликлар паталогиясини эрта аниқлаш мақсадида, гипотиреозга 44480 нафар гўдак тиббий текширувдан ўтказилди. Уларнинг 6652 нафарида хавфли гуруҳ ва туғма гипотиреоз хасталиклари аниқланди ва тегишли чора-тадбир кўрилди. Ёки 77729 нафар ҳомиладор аёл перинатал скринингдан ўтказилиб, уларнинг 1599 нафарида ҳомиланинг туғма ривожланиши нуқсони аниқланди, зарур тиббий муолажалар белгиланди.

— Бугунги бош вазифамиз дунё аҳолиси соғлиғини иқлим ўзгаришларидан ҳимоя қилиш — деган эди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори доктор Маргарет Чан хоним мурожаатда. — Биз, аввало она ва бола соғлиғи учун қайғурамиз. Айниқса, бу борада ривожланаётган мамлакатларда бир нечта лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчиман, бу юмушларни бажаришда биз маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимига таянамиз, ҳамкорлик қиламиз.

Зеро, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бир мисол, 2008 йилнинг 13-15 декабрида ЖССТ экспертлари республикамиз тиббиёт олий ўқув юртларининг бир гуруҳ мутахассислари иштирокида «Туғуруқ муассасаларида тиббий хизмат сифатини яхшилаш» мавзуида семинар ташкил этди. Шунингдек, ташкилот ўзининг «Акушерликда учрайдиган ўта жиддий оқибатларга олиб келувчи ҳолатларни таҳлил қилиш» лойиҳаси доирасида Республика ихтисослаштирилган акушер-геникологи илмий-амалий марказининг Қарши, Андижон ва Фарғона вилояти туғуруқ муассасаларининг мутахассислари учун техник йиғилиш ўтказди.

— Бундай ҳамкорликнинг афзаллик томонлари шундаки, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Клара Ёдгорова. — Мутахассисларимиз соҳада жаҳон андозаларига мос тиббий хизмат кўрсатиш тажрибасига эга бўлаяпти. Зеро, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

**Санда САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




## МУХОЛИФ КУЧЛАР
шаҳар мэриясига талабнома киритишди

**Грузиядаги мухолиф кучлар етакчилари оммавий норозилик акциясини бошлаш учун Тбилиси шаҳар мэриясига ёзма равишда талабнома тақдим этишди.**

*Мухолифатчиларнинг таъкидлашича, муддатсиз бу акция мамлакат президенти Михаил Саакашвилининг истеъфосини тезлатиши лозим.*

*«Грузия Online» хабарларига қараганда, норозилик митинглари пойтахтнинг бир неча манзилида — президент қароргоҳи олдида, Давлат университети, телевидение ва парламент биноси яқинида 9 апрелдан бошланади.*

*Мухолиф кучлар етакчиларининг айтишларича, митингда 150 мингдан ортиқ одам иштирок этади. Улар президент истеъфога чиқмагунча акцияни давом эттириш ниятида. Президент эса ваколат муддати тугамагунча лавозимдан кетмоқчи эмас.*

## НОМЗОДЛАРНИНГ ЯРМИ
имзо йиғишга улгурди

**Литвада президентликка номзодларнинг йиққан имзоларини қабул қилиш жараёни якунланди.**

*«Новости» АА хабар беришича, номзодликка даъвогарларнинг (улар 14 нафар эди) ярмигина, яъни 7 нафари 20 мингдан ортиқ имзо йиғиб, Бош сайлов комиссиясига белгиланган муддатда топширишга улгурди. Номзодларнинг бир нафари эса керакли имзони йиғиб сайлов комиссиясига топширган бўлишига қарамай, ўз ихтиёри билан номзодликдан воз кечди. У ҳали сиёсий курашларга тайёр эмаслигини билдирган.*

*Бош сайлов комиссияси яқин кунларда имзолар сохта эмаслигини текширувдан ўтказишни бошлайди. Комиссия раиси Зенонас Вайгаускаснинг гапларига қараганда, ҳар сайлов жараёнида 20 мингга яқин имзо сохталиги учун бекор қилинади.*

*Литвада президент сайлови жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтади.*

*Номзодлар орасида машҳури Европа Иттифоқининг молиявий масалалар бўйича комиссари Даля Грибаускайтдир.*

*Мамлакатнинг амалдаги президенти Валдас Адамкус навбатдаги муддат учун кураш олиб бормасликка қарор қилди.*

## АҚШда ИШСИЗЛАР
13 миллиондан ошиб кетди



**Жорий йилнинг мартида АҚШда ишсизлик 8,1 фоиздан 8,5 фоизга ошди.**

*АҚШ Меҳнат вазирлиги маълумотларига кўра, бир ойнинг ўзида 694 минг киши ўз ишидан маҳрум бўлган ва мамлакатда умумий ишсизлар сони 13,2 миллион кишига етди.*

*Ишидан айрилганларнинг асосий қисми келиб чиқиши Лотин Америкаси ва Африкадан бўлганлар ҳисобига тўғри келмоқда. АҚШда иқтисодий инқироз бошланган 2007 йил декабрдан бери келиб чиқиши лотин америкалик бўлганлар орасида ишсизлик 4,7 фоиздан 10,9 фоизга, келиб чиқиши африкалик бўлган фуқаролар орасида 4,5 фоиздан 13,4 фоизга, европаликлар орасида эса 2,9 фоиздан 7,3 фоизга ўсган.*

## ҲАРБИЙ КОНТИНГЕНТ ТАРКИБИ
янада кенгайтирилади

**Буюк Британия Афғонистонга яна қўшимча ҳарбий контингент жўнатишни мўлжаллаб турибди. Мамлакатнинг қуруқликдаги қўшинлар бош штаби бошлиғи Ричард Даннатдан олинган манбаларга асосланиб AFP АА бу ҳақда хабар тарқатди.**

*Қуруқликдаги қўшиннинг 4 минг кишилик 12-механизациялашган бригадасининг маълум қисми (1,7 ёки 2 минг нафари) Афғонистонга жўнашга тайёргарлик кўрмоқда.*

*Ҳозирги кунда Буюк Британиянинг 8 минг ҳарбийси Афғонистонда фаолият олиб бормоқда.*

*Дарвоқе, Британиянинг Афғонистондаги ҳарбий контингенти таркибини кенгайтириш тўғрисидаги масала ҳукумат томонидан ҳали тасдиқланганича йўқ.*

*АҚШ президенти эса Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш бўйича Америка маъмуриятининг янги стратегиясини эълон қилди. Унга кўра, Американинг Афғонистондаги ҳарбийлари 21 минг кишига оширилади.*

*Яна бир гап. Афғонистонда янги пул муомалага киритилмоқда. Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Муҳаммад Сафининг айтишича, янги банкнотларда сурат тасвирлари ўзгартирилмаган, аммо сифати оширилган.*

*Эслатиб ўтамиз: 2001 йили Афғонистонда пул ислоҳоти ўтказилган. Ўшанда мамлакатнинг янги пул бирлиги — афғони муомалага киритилган.*

Мамлакатимизда кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, янги-янги ижтимоий-маданий иншоотларни бунёд этиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан Фарғона ва Қўқон шаҳарларини реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури белгиланган эди. Янги «Бахт уйи» ҳам мазкур дастур доирасида қуриб битказилди.

Муҳташам иншоотни барпо этишда «Қувасойтаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг хизмати катта бўлди.

«Бахт уйи»нинг очилиши Ҳалимжон Деҳқонов ва Раъногон Собирова, Сергей Корнев ва Юлия Яхина каби келин-куёвларнинг никоҳ тўйларига уланиб кетди.

Суратларда: *тадбирдан лавҳалар.*

***Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.***

✱ **Футбол**

## БИР-БИРИГА ЎХШАМАГАН ЎЙИНЛАР

Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лига жамоалари тўртинчи тур учрашувларини ўтказишди.

«Локомотив» — «Бунёдкор» жамоалари учрашувида меҳмонлар 0:2 ҳисобида зафар қучишди. Тўпларни Виктор Жоао ва Анвар Солиев киритди. Дастлабки уч ўйинда мағлубият аламини тортган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари бу сафар Муборакда «Машъал» жамоасини доғда қолдиришди — 1:2.

Кетма-кет уч мағлубиятдан сўнг, Ғузорнинг «Шўртан» жамоасида бош мураббий Усмон Тошев истеъфога чиқарилганди. Мазкур турда Эдгар Гесс бош мураббийлигида майдонга тушган ғузорликлар «Сўғдиёна» жамоасини енгишди — 2:1.

Қолган ўйинларда эса қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Хоразм» — «Қизилқум» — 2:0, «Олмалиқ» — «Динамо» — 1:0, «Бухоро» — «Металлург» — 0:0, «Андижон» — «Навбаҳор» — 1:1.

Ушбу турдан жой олган «Пахтакор» — «Насаф» жамоалари учрашуви пахтакорчилар Осиё чемпионлар лигаси ўйинини сафарда ўтказишаётганликлари туфайли 29 апрелга кўчирилди.

Навбатдаги тур учрашувлари 11-12 апрель кунлари бўлиб ўтади.

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLAR:**
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda erkin narxda

# ГУЛИСТОН — «КИЧИК ОЛИМПИАДА»НИ КУТМОҚДА

**Мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг анъанавий «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинлари республика финал босқичи май ойида Гулистон шаҳрида ўтказилади**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан асос солинган уч босқичли спорт мусобақалари мамлакатимизда баркамол ва соғлом авлодни вояга етказишда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу спорт тизимининг дастлабки бўғини саналган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» мусобақаларига бу йил Гулистон шаҳри мезбонлик қилади. Айни пайтда Сирдарё вилоятида ўзига хос ёшлик ва спорт байрами номини олган мазкур нуфузли баҳсларга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ҳозиргача «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг туман ва вилоят босқичлари зўр муваффақият билан ўтказиб бўлинди. Мусобақанинг дастлабки босқичларида юртимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 650 минг нафарга яқин ўғил-қиз финал босқичига бериладиган йўлланма учун кураш олиб борди.

— Май ойида вилоятимизда ўтадиган «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг финал босқичида юртимизнинг турли ҳудудларидан саралланган энг чаққон ва энг кучли 1792 нафар ўқувчи спортнинг 12 тури бўйича ўзаро баҳс юритади, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилоят филиали ижрочи директори Норбобо Соатов. — Шу кунларда юртимиз ёшларининг ушбу тадбирини юксак савияда ташкил этиш учун кенг кўламли тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Спорт мусобақалари ўтказиладиган иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, иштирокчиларни кутиб олиш, жойлаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг очилиш ва ёпилиш тантаналари Гулистон шаҳридаги «Марказий» стадионда ўтказилади. Айни вақтда бу ерда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Илгари ўн минг томошабинга мўлжалланган бу стадион бугун таниб бўлмайдиган даражада қайта реконструкция қилинди. Эндиликда бу иншоот ўз бағрига йигирма минг томошабинни сиғдира олади. Мазкур спорт мажмуидан бир неча спорт турлари бўйича машғулот ва мусобақалар ўтказиш заллари ҳам ўрин олган. Мазкур спорт иншоотида бош пудратчи — Янгиер шаҳридаги «Электромонтаж» механизациялашган кўчма жамланмаси мутахассислари бунёдкорлик ишларини амалга оширишмоқда.

«Ўзбекнефтгазтранс» ташкилотининг саъй-ҳаракати туфайли қайта чирой очаётган «Алпомиш» спорт мажмуаси, у ердаги теннис корти, бадиий гимнастика баҳслари ўтказиладиган ёпиқ арена тўлиқ шай ҳолга келтирилди. Шунингдек, мусобақа дастуридан жой олган волейбол, қўл тўпи баҳслари ҳам шу спорт мажмуида ўтказилади.

Тўрт минг нафардан зиёд талаба таҳсил олаётган Гулистон давлат университетининг йўлак, боғ ва гулзорларни ўз ичига олган 162820 кв.м. ҳудуди ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари режасига киритилиб, айни пайтгача ўн олти мингдан ортиқ арча, мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари экилди.

— «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг кўмагида билим юртимиздаги 1200 кишига мўлжалланган биринчи ва иккинчи талабалар турар-жойи, ошхона, профилакторий, бош биноданги шоҳмот мусобақалари ўтказиладиган фаоллар зали, қизлар ўртасида баскетбол баҳслари ташкил этиладиган спорт зали фойдаланишга топширилиш арафасида турибди, — дейди Гулистон давлат университети маънавий-ахлоқий ва тарбиявий масалалар бўйича биринчи проректори Равшан Аҳмедов. — Ювиниш ва кийиниш хоналари эса аллақачон шай ҳолга келтирилган.

— «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг финал босқичида шогирдларимиз бадиий гимнастика, волейбол, баскетбол ва футбол бўйича вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишади, — дейди Гулистон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Тангир Холиқулов. — Айни пайтда мактабимиз устоз-мураббийлари ўқувчи-спортчиларимизни ана шу нуфузли мусобақага муносиб ҳозирлик кўришлари учун бор куч-ғайратларини аяшмаяпти. Эътиборли жиҳати, ушбу катта спорт байрами арафасида вилоятимизда бир-биридан ажойиб ва кўркам спорт иншоотлари қад ростлаяптики, бу келажакда Сирдарёда иқтидорли спортчиларни тарбиялашда жуда асқотади. «Умид ниҳоллари» мусобақалари якунлангач, бу масканларда ўғил-қизларимиз шуғулланишади.

Бир сўз билан айтганда, бугун вилоят марказига ташриф буюрган киши чинакам бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг устидан чиқади. Жумладан, бу ердаги кўча ва хиёбонлар, боғ ва майдонларда кенг кўламли кўкламзорлаштириш юмушлари ҳам амалга оширилмоқда.

**Эркин ХОЛБОБО.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**



✓ **Қилмиш-қидирмиш**

## БУЗУҚ АРАВА ЙЎЛ БУЗАР...

Денов шаҳрида истиқомат қилувчи опа-сингил Гулчеҳра ва Гулбаҳор Маҳмадиёровалар бир қараганда бошқалардан ҳеч фарқи йўқдек туюларди. Юввош, камгап. Гулчеҳра беш нафар фарзанднинг онаси, синглиси Гулбаҳор ҳам турмуш қурган... Афсуски, улар йиллар давомида «Ҳизбут таҳрир» экстремистик диний оқим ғояларини тарғиб этиш билан шуғулланиб келишган...

Гулчеҳра Маҳмадиёрованинг турмуш ўртоғи Шерали Соатмуродов Ўзбекистонда нашр этилиши ва сақланиши таъқиқланган «Ислом низоми» китоби асосида акаси Жаббор, янгаси Зулайҳо ва уйда хизмат қилувчи Сайёра исмли аёлга таълим бериб келган. Турмуш ўртоғи Гулчеҳра ҳамда қайнсинглиси Гулбаҳорни шу йўлга ундаган.

2003 йилда Шерали Соатмуродов қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилади. Бундан тўғри хулоса чиқармаган Гулчеҳра эса ғайриқонуний ишларни давом эттираверади. «Ислом низоми» китоби асосида турли уйдирмалар тарқатиш, халқ тотувлигини бузиш, ёшларга ақидапарастлик ғояларини сингдириб, уларни йўлдан уриш билан шуғулланиб келади.

Тергов жараёнида шу нарса маълум бўлдики, опа-сингиллар вояга етган оилада ҳам соғлом муҳит бўлмаган. Уларнинг отаонаси диний экстремистик оқим аъзолари бўлишган.

Текшириш пайтида диний оқимга муккасидан кетган опа-сингиллар хонадонидан «Ислом низоми», «Ҳизбут таҳрир тушунчалари» каби таъқиқланган китоблар топилди. Улар тегишли жазоларини олишди. Лекин, кишини бир савол қийнайди. Улар, аввало аёл, она эди. Оиласи, фарзандлари бор эди. Алдовларга учиб, онги заҳарланиб, ёт ғоялар қурбонига айланишди. Бир томондан умрлари соврилмоқда, иккинчи томонда оила, фарзандлар тақдири...

**Абдумалик БОТИРОВ**

✓ **Божхона бекати**

## «БЕЛИ БАҚУВВАТ» ҚОНУНБУЗАР

Шаржа сафаридан қайтган фуқаро М.Юлдашев божхона баённомасини тўлдирар экан, ўзи билан ҳеч қандай нақд хорижий валюталарни олиб келмаётганлигини қайд этди. Аммо унинг ёлғони аэропортдаёқ фош бўлди. Божхона баённомасида қайд этилмаган 9100 АҚШ долларини шоввоз белига боғлаб олган экан.

Москвага учиб кетаётган Россия фуқароси Ф.Чемаркина божхона баённомасида кўрсатилмаган 2500 евро миқдоридаги хорижий валютани, шу йўналиш бўйича учиб кетаётган Р.Темирбулатов эса 30 минг Россия рублини юртимиздан яширинча олиб чиқмоқчи бўлишган.

## ТРАКТОРДА 7, «КамАЗ»да 13 тонна, «Зил»ЛАРДА ЭСА...

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини юртимиздан ноқонуний равишда олиб чиқиш таъқиқланган. Лекин қонуннинг бу талабини айланиб ўтишга уринадиганлар учраб турибди. Жиззахлик И.Санаев ана шундайлардан экан. У МТЗ-80Х русумли тиркамали трактор билан 7 тонна сабзи маҳсулотини айланма йўллар орқали республикамиздан ташқарига ноқонуний олиб кетаётганда тўхтатилди.

Айланма йўлда ҳаракатланаётган К.Газиев бошқарувидаги «КамАЗ» русумли юк автомашинасига эса 21 турдаги 13 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ортилган экан. Суриштирув давомида ушбу маҳсулотлар фуқаро И.Насировга тегишли эканлиги ва улар қўшни республикага олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди.

Вилоят божхоначилари томонидан яна 3 та «Зил» юк автомашинасига ортилган фуқаро И.Эрбаччаевга тегишли 14 тоннага яқин олмани айланма йўллар орқали ноқонуний четга олиб чиқилишининг олди олинди.

**Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**«93-сонли механизациялашган колонна» ОАЖ кредиторлари мажлиси қарори ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ корхонанинг тугатув бошқаруви Сизларни очиқ ким ошди савдоларига таклиф этади!**

Савдолар 2009 йил 7, 11, 13, 15 май кунлари соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уй, 4-қават манзилида бўлиб ўтади. Очиқ кимошди савдоларига «93-сонли Механизациялашган колонна» ОАЖнинг 1979 йил ишлаб чиқарилган МАЗ 5334 русумли, давлат рақами 10 921 ААА бўлган автокран қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 6 000 000 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун один тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосини 10% миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «Hamkorlik mulksavdoservis» МЧЖнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг, Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани бўлимидаги 20208000104597298001 хисоб рақамига ўтказилади, КОД — 00876, СТИР 300357575.

Аукцион савдосидан сўнг, ғолиб харидор ва тугатиш бошқарувчиси ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномаси савдо натижасига кўра 10 кунлик муддат ичида тузилади. Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш ниятида бўлган харидорлар «Савдо ташкилотчиси»га қуйидаги хужжатларни тақдим этишлари керак.

Ариза ва закалат тўғрисидаги келишув (юридик ва жисмоний шахслардан); юридик шахслардан корхонанинг гувоҳномаси ва уставидан нусхалар; савдоларда иштирок этадиган ишончли вакиллар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, паспорт нусхаси; савдо ташкилотчиси хисоб рақамига закалат пули тўланганлиги хақида тасдиқловчи хужжат нусхаси; жисмоний шахслар учун, паспорт асли ва нусхаси, тўлов хужжатлар. Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тугатиш бошқаруви: Чирчиқ шаҳри, Максудова кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (+99897) 404-60-45.**

**«POYTAXT AUKSION» ДУК**

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2008 йил 29 ноябрдаги 141-сонида, 25 декабрдаги 151-152-сонларида, 2009 йил 8 январдаги 3-сонида, 7 февралдаги 16-сонида, 17 февралдаги 21-сонида чоп этилган эълонлардаги кўрсатилган автотранспорт воситалари Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2009 йил 27 мартдаги 66 к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Насимқул Каримовга онаси **САИДА АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази «Bunyodkor Go'ya Plyus» унитар корхонаси раҳбари Ғуломхон Нарзуллаевага волидаи муҳтарамаси **МУШАРРАФХОН АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.